



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 5 oktyabr № 41 (474)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А. Орипов олиб борди. Мажлисда қатор масалалар кўриб чиқилди.

“Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотларда кузги-қишқи мавсумга тайёргарликнинг бориши тўғрисида” Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари Ш. Обидхўжаев маъруза қилиб, бу боралда айрим ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳали яна кўпгина юмушлар бажарилиши лозимлигини эслатди. “Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари ва қўшма корхоналардаги давлат ишончли вакиллари фаолияти ҳақида” Агентлик Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи Ю. Мухчи маърузаси тингланди. Маърузада агентлик таркибидаги корхоналарда Кузатув Кенгашининг олти йил ишлари ўтказилгани, давлат ишончли вакиллари бarchаси ўзларига юклатилган вазифани бажараётганликлари, бироқ айрим корхоналарда камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги, жумладан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бефарқлик билан муносабатда бўлилаётгани таъкидланди. “Автоалоқа”, “Алоқинвест”, “Пренос” АЖлари ва “Ўзмаком” ҚҚ вакилларининг эса ишлаб чиқаришдаги фаол иштироки айтиб ўтилди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касса уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов “Алоқа ходимлари фарзандларини ёзги соғломлаштириш мавсуми якунлари тўғрисида” маъруза қилди. У “Оналар ва болалар йили”да алоқа ходимлари фарзандларини соғломлаштириш бўйича қатор ишлар олиб боришга, Бухоро, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва “Тошкент шаҳар телефон тармоғи”

АЖ таркибидаги болалар оромгоҳлари мавсумга ўз вақтида тайёрлангани, алоқачиларнинг 4317 нафар фарзандлари соғломлаштирилганини қайд қилди. Аммо шунга қарамай “Жиззах почтаси”, “Анджон почтаси” АЖларида бу масалага яхши эътибор берилмаганини танқид қилди. Шунингдек, йиғилишда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р. Исаев “Меъёрий ҳужжатларни тартибга солиш ва тadbiq этиш сифатини ошириш бўйича тadbirlар ишлаб чиқиш учун 2000 йили тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мониторинги тўғрисида” қўйидагиларни таъкидлади:

— Ушбу масала ҳусусида агентлик таркибидаги бўлимлар, акционерлик компаниялари, корхона ва ташкилотларда 64 та меъёрий ҳужжатлар бўйича мониторинг ўтказилган, натижада саккизта меъёрий ҳужжат ҳақида тақлиф ва эътирозлар билдирилган. 1992 йилдан жорий йил, июл ойигача почта ва телекоммуникациялар тармоқларида 377 та меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган, шундан 247 тасини Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази хохимлари ишлаган, қолганлари эса агентлик бўлимлари, акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, меъёрий ҳужжатларини ишлаш жараёнида қисман камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Шунингдек, маърузачи “Давлат бошқарув органи, оператор ва провайдер фаолиятини телекоммуникациялар тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш тўғрисида” ҳам ўз фикрларини билдирди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. АХМЕДОВ



“Тошкент Телеком” акциядорлик жамияти Оҳангарон филиали биноси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, истиқлол гоъларига садоқат руҳида тарбиялашдаги фидойиликлари учун Тошкент электротехника алоқа институти, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи, ТЭАИ қошидаги лицей-интернат ва Академик-лицейнинг профессор ўқитувчиларидан бир гуруҳи 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан мукофотландилар.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъати қарори ва Агентлик Бош директорининг буйруғига кўра, Тошкент электротехника алоқа институти ректори **Содиқжон Собирович ҚОСИМОВ**, ТЭАИ “Телевидение ва радиоэшиштириш” кафедраси мудири **Юрий Саъдуллаевич САЪДУЛЛАЕВ**, ТЭАИ Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение факультети декани ўринбосари **Александр Иванович РЯНСКИЙ**, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи махсус фанлар ўқитувчиси **Дамира Музагитовна ТУЛЯГАНОВА**, ТЭАИ қошидаги Академик-лицей директори **Роза Турсуновна БҮРОНОВА**ларга агентлигининг “Фахрий ёрлиғи” ҳамда ТЭАИ “Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари” кафедраси катта ўқитувчиси **Виктор Николаевич ВАСИЛЬЕВ**, ТЭАИ “Информатика” кафедраси ассистенти **Казнаш Аристановна АКТУРЕВА**, Тошкент алоқа касб-хунар коллежининг Туман электралоқаси бўлими мудири **Фарида Аҳмедовна ХУСАНОВА** ва Тошкент алоқа касб-хунар коллежи амалиёт бўлими мудири **Светлана Михайловна КУТУМОВА**ларга “Ўз касбининг устаси” нишони берилди. Шунингдек, бир қатор ходимларга ташаккурнома эълон қилинди.

Мукофотлар муборак, азиз мураббийлар!

ҲОКИМЛИК КЕНГАШИДА

Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Тошкент электротехника алоқа институти профессори С. Сангинов ва доцент М. Хидоятлар қатнашди. Профессор С. Сангинов “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10

йиллиги даврида эришилган ютуқлар” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, унинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзуларида маъруза қилди.

У. ДАВЛЕТОВ,
Тошкент вилояти

Яқинда Тошкент электротехника алоқа институтининг “Хондайлик” спорт-соғломлаштириш базасида “Цивилизация. Экология. Инсон” мавзуида конференция бўлиб ўтди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Ушбу анжуманда Тошкент, Бухоро, Урганч, Намангандаги институт ва университетлар, Москвадаги Халқаро бизнес ва бошқариш университети, Олмаота шаҳридаги ISAR жамғармасидан вакиллар, профессор-ўқитувчилар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Шунингдек, “Экополис”, “Экоинформ”, “Чотқол”, “Юр-Эко”, “ЦЭСИ”, “Logos” ва бошқа нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ш. ЎРМОНОВА

Обуна – 2002

“ХАВАР” ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАРИ

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз “Хавар”га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

“Хавар” газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

“Хавар” газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни ҳондонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилини!

Телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик муҳитини яратиб тараққиётнинг муҳим омили эканлигини фарғоналик алоқачилар яхши билишди. "Фарғона Телеком" акциядорлик жамияти 2000 йилда аҳолига 1 миллиард 952,4 миллион сўмлик хизмат кўрсатди ва 4 миллион 612 минг сўм фойда олди.

Акциядорлик жамиятининг Истиқболни белгилаш, статисти-

ка ва таҳлил бўлими бош-лиги Абдумўмин Отажоновнинг бер-

ган маълумотларига қараганда, ўтган ўн йил мобайнида телефон аппаратлари сони ҳам бир неча баробарга ортиди. Рақамли электрон қўрилмага асосланган турта янги АТС ишга туширилди. Оптик толати "ҳалқа"лар минглаб тезкор каналлар орқали шаҳарлардаги барча тармоқли ва рақамли АТСларни бир-бири билан боғлади. Янги АТСлар туфайли абонентларга кенг қамровли хизмат турлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Рақамни соддалаштириб тегиш, рақамсиз қайта улаш, чақирувчини бошқа манзилга йўнаттириш, мижозга керакли вақтни эслатиш ёки уни уйқудан уйғотиб қўйиш каби хизмат турлари жорий этилди. Айниқса, парол орқали шаҳарлараро алоқага чиқиш абонентларга жуда манзур бўлмоқда, бегоналарнинг ёки ёш болаларнинг хорижий давлатларга қўнғирок қилишлари билан боғлиқ шикоятлар сони камаймоқда.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ва ижтимоий ҳимоясига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда акциядорлик жамиятининг вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси билан тузган жамоа шартномасига би-

ноан бу ерда талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур шартномага кўра ходимларга юқори касб маҳорати, иш самардорлигини оширгани, оғир ва зарarli шартларда меҳнат қилгани, байрам кунлари, тунги, кечки сменаларда ишлагани учун кўрсатилган миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. Шунингдек, турли компенсациялар, қўшимча тўловлар, пул мукофотлари каби рағбатлантиришлар ҳам

лар ва нафақага чиқиб ишлаётган фахрийларнинг ишлаган йилларига қараб 50-100 фоизгача бўлган телефон тўловлари корхонамиз ҳисобидан тўланади. Бундан ташқари ногирон фарзанди бўлган оилалар ҳам эътиборимизда. Уларни доимо йўқлаб турамыз. Янги ўқув йили арафасида эса ҳар йилгидек ўқувчиларга 1 миллион 500 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб

берилди. "Оналар ва болалар

йили" муносабати билан уч ёшгача боласи бўлган аёлларга ўртача ойлик миқдорда нафақа тўлаямыз. Кейинги йилларда ҳам бу анъанани сақлаб қилиш ниятимиз бор.

Вилоят алоқачиларининг спортга қизиқишлари кўпчиликка маълум. Июн ойида Арсифдаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги дам олиш уйида соҳа ходимларининг спартакиадаси муваффақиятли ўтказилди. "Оналар ва болалар йили"га бағишланган футбол, стол теннис, шахмат-шашка мусобақалари ғолибларига қимматбаҳо мукофотлар топширилди. 14 нафар ғолибга яна янги спорт кийимлари олди. Улар энди республика босқичида иштирок этадилар. Мусобақалар учун 1,5 миллион сўм сарфланди. Умуман спорт, туризм ва дам олиш тадбирларига ҳар йили 32 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

"Фарғона Телеком" акциядорлик жамиятида алоқачилар учун яратилган бундай қулайлик ва имтиёзлар юқорида қайд қилинганидек, ўз самарасини бермоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА

• Мулоҳаза

БОЗОР МУҲИТИ ВА НАРХ

Нархларни жорий этишдаги янги ёндашувлар ва ўзаро кўрсатилган хизмат учун қорхоналараро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш аввало, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсата олишлари, ишлаб чиқариш самардорлигининг ошиши ва хизмат сифатининг яхшиланишига, алоқа тармоқларининг кенгайиши ҳамда ижтимоий масалаларнинг ҳал қилинишига қаратилгандир.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш таркибини нарх-наво белгилайди ва хизматни тақсимлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Нарх-наво таркиби тўғрисида омилилар тақлиф ва эҳтиёжнинг мутаносиблиги, рақобатнинг мавжудлиги, истеъмол хусусиятлари заҳира базасининг аҳоли, давлат ва турли бошқарув органлари аралашуви даражаси, маҳсулот ва хизматнинг ижтимоий аҳамияти ҳаммавақт бошқарув, тақсимлаш ва рағбатлантиришда энг муҳим омил эканлигини эътиборга олиш керак. Нарх-наво аввало талаб ва тақлифларни мувофиқлаштиради. Шунингдек, ҳам истеъмолчини, ҳам сотиб олиш мумкин бўлган хизмат миқдорини аниқлайди. Агар нарх-наво кўтарилса, маҳсулотни зарур бўлган истеъмолчига сотиб олади. Нарх-навонинг рағбатлантирувчи вазифаси ишлаб чиқарувчининг даромадлари қўлайиши ва охири-оқибатда олинадиган фойданинг ошишида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ҳўжалик механизми ривожланишида тармоқни бошқариш, иқтисод масалаларини янги нуқтаи назар билан қўриб чиқиш лозим. Аммо қўлгина масалалар ҳамон самарали ечимдан узоқ. Тарифларнинг энг муҳим усулларини аниқловчи ва асословчи назарий ҳамда амалий тадқиқотларни талаб қилувчи нарх-наво механизмининг такомиллаштириш масалалари шулар жумласидандир.

Нарх-наво шакллантиришда янгича муносабатда истеъмолчилар тоифасининг турлича эканлигини инобатга олиш керак. Хўсусан, алоқа хизматларини тарифлашда халқаро ва Россия тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тариф сиёсатидан мақсад — хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва тармоқнинг рентабел фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат. Назария ва амалиёт асосан ишлаб чиқариш харажатларига ва алоқа хизматидан фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда турли тоифадаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаблари маркетинг тадқиқотлари жараёнида аниқланади.

Т. БУТКЕЕВА,
Тошкент электротехника
алоқа институтини кафедра
мудир

• Алоқа матбуот кўзгусида

қиб, уни кенг қўламда татбиқ қилиш билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда 2003 йил Швейцарияда жаҳон миқёсда халқаро саммит ўтказишни мўлжалламоқда. Бунга ахборот олиш технологияларини такомиллаштириш, тараққиёт йўналишларини белгилаб олиш каби

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ БИРЛАШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ?

олишти эҳтиёж сезмоқда. Шундай масалаларни ҳал этиш борасида Халқаро телекоммуникация бирлашмаси далай қадимлар ташламоқда. Бу бирлашма асосан Интернет тармоғи орқали фаолият юритиб, жаҳон миқёсда катта ишларни амалга ошираётир. Бирлашмага хўсусий секторлар, компаниялар, ҳўкуматлар ва ОАВ тизимидаги барча муассасалар аъзо бўлиб кириши мумкин. Уюшма мақсади дунё информатизация бозорини шакллантиришга қаратилган. Бу бозорга ҳар қандай давлат, хўсусан, Ўзбекистон ҳам ўз маҳсулотини киритиши ёки харидор бўлиши мумкин. Бунда имконият ва шароит бир-бирини тўлдирди.

Бирлашма 1971 йили Швейцарияда ташкил қилинган бўлса-да, 90 йилларга келиб оммалашди. Африка, Америка, Осиё ва Европа қитъаларидаги агентликлар, телекоммуникация бирлашмалари бу ташкилотнинг жойлардаги бўлимига айланишди. Ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида бу уюшма юзлаб компанияларга дунёнинг турли бурчакларидан ҳамкорлар топиб берди. Қўлгина халқаро ташкилотлар билан биргаликда қисқа ва узоқ муддатли лойиҳалар ишлаб чи-

ижтимоий масалалар қўриб чиқилди.

Бирлашманинг Интернетда ўн бешта сайти мавжуд ва бунда йиғилган ахборотлар соҳалар бўйича тартиб билан жойлаштириб борилади. Бу сайтларда халқаро конференциялар ҳам ўтказиб турилади. Биргина 2000 йили Интернет орқали ўтказилган халқаро конференциялар 150 миллион мил масофанинг қисқаришига, транспортлардан 1 миллион тоннага яқин ифлос газлар атмосферага чиқишининг олди олинишига олиб келди. Бундан ташқари, расмий тақлифнома ва хат-жизиларга кетадиган 73 миллион дона қороз тежалган. Бу маълумотлардан қўрииб турилганда, Халқаро телекоммуникация бирлашмаси янги асрда янгича тараққиёт йўналишини кашф қилиш ва мақсадга етишнинг энг осон йўлини топти.

Ўзбекистон ҳам дунё информация бозорига ўз имкониятидан кенг фойдаланса, тараққиёт сари далай қадим ташлаш мумкин бўлади.

Матбуот материаллари
асосида тайёрланди

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти "Почта ва телекоммуникациялар соҳасида энг яхши рационализаторлик тақлифи ва ихтирочилик" мавзусида республика танловини эълон қилади. Бу танлов ихтирочиларнинг ижодий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, энг яхши рационализаторлик тақлифлари ва ихтироларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Ҳужжатлар 1 ноябргача куйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1 уй. Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти.
Телефонлар: 136-37-34;
133-63-94.

Ғолибларни мукофотлар қўтмоқда!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хўрматли
Тельман ПИРНАЗАРОВ!
Сизни табаррук 65 ёшга тузган ва меҳнат фаолиятингизга 40 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга Аллоҳдан узоқ умр, сийхат-саломатлик, ниларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Бахтимизга доимо соғ бўлинг, деб фарзандларингиз, неваларингиз ва дўстларингиз.

Тошкент шаҳри



"Қашқадарё почтаси" АЖ Чироқчи филиали почта бўлими катта оператори Холикул БҲУРОВ тажрибали мутахассислардан бири. У кўп йиллардан буён соҳада самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 26 октябр, соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 24-уйда ўтказилишини маълум қилади.

Рўйхатга олиш соат 8³⁰дан бошланади. Акциядорлар вакиллари ишончнома, паспорт билан келишлари керак. Мурожаат учун телефонлар: 34-96-30, 139-23-78.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Ўзбектелеком" АК бош директорини тасдиқлаш.
2. "Ўзбектелеком" АК ижро органи молия-ҳўжалик фаолиятининг 2001 йилги тўққиз ойлик ҳисоботи.
3. Акционерлик компанияси Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

Йиғилишда 2001 йил, 26 сентябр ҳолатига кўра акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кузатув Кенгаши

ФАҚАТ ХОТИРАДА ҚОЛАР ИСМИМИЗ

ТАСАЛЛИ

Йўллар сенга бекилганида,
Таъна тоши отилганида,
Душманларинг қулганларида,
Сабр, сабр айлагил, сабр,
Омад сенга келар барибир.

Умидлари ўчмас жонида,
Яшар доим сўнги қонида,
Лек мағрур бўл дўстлар ёнида.
Сабр, сабр айлагил, сабр,
Омад сенга келар барибир.

Топтасалар сени ер билан,
Лек ололмас қадринг зўр билан,
Мағлуб бўлмас бўлган эл билан,
Сабр, сабр айлагил, сабр,
Омад сенга келар барибир.

Ўтар довул, ўтар шамоллар,
Қисмати топар ёмонлар.
Луқманг бўлса доим ҳалоллар,
Омад сенга келар барибир,
Сабр, сабр айлагил, сабр...

БЕШИК

Ул момолар қўлларига дастийёр бўлган бешик,
Қоп-қоронғу туңларига алла-ёр бўлган бешик.

Нон қўйиб йўрғаклагай "ризкинг улуғ бўлсин", дея
Инсон орзу-ниятига сазовор бўлган бешик.

Унда хосият, унда ҳикмат барчасидир яширин,
Оналар дил таскини, ҳам мадор бўлган бешик.

Сўнги йиллар игга боғлаб осдилар шипга уни,
Гоҳида ул томда қолиб, чанг-ғубор бўлган бешик.

Бу Ватанга соғлом авлод ўстириш фарз-қарз эрур,
Чикмаса гўдак йиғиси, интизор бўлган бешик.

Шу бешикда улғайишган неча минг аждодимиз,
Ишлатилмай бўлди не ҳол? Энди ор бўлган бешик.

ЁНАР

(Махтумқули йўлида)

Орамизда гар бўлмаса аҳиллик,
Эзгуликдан устун турса бахиллик,
Яхшиликни босиб кетса жоҳиллик,
Ҳаром унар, ҳалол ёнар, ҳақ ёнар.

Оқил одам эл ғамини билмаса,
Қадр-қиммат ўз жойида турмаса,
Нодон мамнун, доно кўнгли тўлмаса,
Ҳаром унар, ҳалол ёнар, ҳақ ёнар.

Тер тўққанлар элда топар эҳтиром,
Садокатдан келур иззату икром.
Хиёнат йўлига кирдингми, тамом,
Ҳаром унар, ҳалол ёнар, ҳақ ёнар.

Усмон, кутма сен ишламай, неъматинг,
Тўғри бўл, поклик-ла саклай бил отинг.
Ўзгарса эгрилик томон ниятинг,
Ҳаром унар, ҳалол ёнар, ҳақ ёнар.

Фарзандга ҳамиша посбондир ота,
Бошига иш тўшса қалқондир ота.
Ҳаётлик чоғида сезмас эканмиз,
Кўз юмиб кетганда, армондир ота.

Чироқнинг ўрнини босолмайди шам,
Ақлни шоштира бирдан келган ғам.
Ҳаётда пишмаган битта ғўрамиз,
Ёшимиз тўқсондан ошганида ҳам.

Юздаги ажинлар босган йўл экан,
Неки бир иш қилса, икки қўл экан.
Тим қора соч нега оқарар десам,
Қалбингда ўт ёниб, чиққан қул экан.

Усмон ДАВЛАТ

● ИБРАТ

САХОВАТ

Бир саҳиё одамнинг кўп дони бор эди. Шаҳарда озик-овқат тан-
глиши бошланиб қолди. У донларини одамларга бўлиб берди. Орадан
кўп ўтмай ўзи ҳам муҳтожликка тушибди.

— Қизик одам экансиз, ўзингиз муҳтожликка тушиб қолишин-
гизни била туриб, нега донларингизни ҳаммага улашиб юбордин-
гиз? — дея маломат қилишди.

— Халқ оч бўла туриб, мен роҳатда яшасам, инсофсизлик қил-
ган бўламан, мен биждоним бўйруғига итоат қилдим.

ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК ҚАЙТМАЙДИ

Луқмони ҳакимга ҳукмдор бугдой экинни буюрди. Луқмон бугдой
урнига арпа экти...

— Нега бугдой урнига арпа сочдинг, — деб ушқирди ҳукмдор.
— Арпа сочсам, бугдой унмайдими?
— Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан бугдой унайдими?
— Ундай бўлса, — деди Луқмони ҳаким — нега сиз халққа жабр-зулм
курсатасиз, яна яхшилик умид қиласиз. Яхшилик қилсангиз яхши-
лик, ёмонлик қилсангиз ёмонлик қайтади. Арпадан бугдой унмани
каби, халққа озор бериб, яна яхшилик кутманг.

● Бу — қизиқ!

УЧАР БАЛИҚЛАР

Айрим балиқларнинг кўкрак сузгичлари жуда ривожланган бўлиб,
улар учиб қобилиятига ҳам эгадирлар. Уларнинг учишлари ички орган-
лари орасидаги алоҳида ҳаво ҳалтачаларининг йирик бўлиши билан
боғлиқ.

"Учар балиқлар" деб ном олган бу жонотлар жуда бақувват бўлиб,
душманларидан қутулиш лозим бўлган пайтда думларининг кучли ҳара-
кати билан уларини сувдан ташқарига отади. Ҳавода эса қанот
шаклини олган сузгичлари очилади. Бу сузгичлар уларнинг учишини
таъминлайди.

Учар балиқлар ҳавода 200-300 метргача ўча олади. Ҳатто баъзилари
кичик кемаларнинг палубалари устидан сакраб ўтишга ҳам қодир.

НОЁБ ИСТЕЪДОД ЭГАСИ

Колумбиянинг Арина шаҳрилик 16 ёшли Фульхенсио Аугусто Мен-
дерес ҳамшаҳарларини қўйиб қолдири. Мендереснинг буйи 177 сан-
тиметр, вазни 70 килограмм бўлиб эртақлардагидек эгилувчан қоби-
лиятга эга. Бу албатта, узоқ йиллар давомидаги машқлар самараси-
дир. Аугусто бемалол 50 литр сув кетадиган бочкага сигади, гавдаси-
ни шар ҳолатига келтира олади. Яна у мушук сингари 12 сантиметр-
лик тешиқдан утганига нима дейсиз?

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва
телекоммуникациялар
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Курулбой ТЎЛЕБОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шохруҳ АҚБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-
ёзмалар (2 оралиқда, 5
бетдан ошмаслиги лозим)
ва суратлар муаллифларга
қайтарилмайди. Мақола-
лардаги фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва рақам-
лар масъулияти муаллифлар
зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00011 рақам билан рўйхатга
олинган.

Буюртма № Г-2939.
4486 нусхада чоп
этилди.


Офсет усулида
босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1
босма табок.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифа-
ланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБОО
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Тўрон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнаар қошида.

ХИКМАТЛАР

- Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унутлади.
- Умрнинг ҳамма соатларини фойдали ва соғинасда мувофиқ маш-
ғулот билан тўлдиринг, қайсе алам бош суқадиган жой топмасин.
- Насихатни олмайдиган одам бахтсиздир.
- Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно
чиптакам фазилатли бўлишдир.
- Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин.
Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут этирса, таажжуб қилманг,
чунки тош тавҳарин синдира олади.
- Нодон киши ўзининг насл-насабига, олим киши эса ўзининг
илм ва адабига таянади.
- Тарбиясиз одам жонсиз жасада ўхшайди.